

“ТАСДИҚЛАНГАН”  
“ШАРҒУНҚҮМИР” акциядорлик жамияти  
акциядорларининг 2020 йил “5” декабр  
даги умумий йиғилиш қарори билан  
БАЁННОМА № 1



*Ж.Омонов*

Омонов X.A.

# «ШАРҒУНҚҮМИР» Акциядорлик жамияти

КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТҮҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ

## **1. УМУМИЙ ҚИСМ**

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Конунига, бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларга, “SHARG’UNKO’MIR” *aksiyadorlik jamiyati* (кейинги ўринларда “Жамият” деб аталувчи) уставига ва Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31-декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур низом жамият кузатув кенгашининг (кейинги ўринларда “кузатув кенгashi” деб аталувчи) мавқеи, ваколатлатлари, кузатув кенгashi аъзолигига номзодларни қўйиш, уларни сайлаш ҳамда кузатув кенгashi аъзоларининг хуқук ва мажбуриятларини, фаолият тартибини ҳамда жамиятнинг бошқарув органлари билан бўлган муносабатларини белгилаб беради.

1.3. Кузатув кенгashi жамиятнинг коллегиал бошқарув органи бўлиб, жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Конун ва уставда акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустаснодир.

1.4. Кузатув кенгashi аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш кузатув кенгashi раиси томонидан кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади.

1.5. Кузатув кенгashi тўғрисидаги низом ҳамда унга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар жамият акциядорларининг умумий йиғилишида тасдиқланади.

1.6. Жамият кузатув кенгашининг сон таркиби 7 (етти) кишидан иборат бўлади.

1.7. Жамият кузатув кенгashi аъзолари жамиятнинг аффилланган шахслари деб эътироф этилади.

## **2. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИГ ВАКОЛАТЛАРИ**

2.1. Кузатув кенгashi ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равища эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан жамият Уставининг 20.11. бандида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни

белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини белгилаш;
- акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (маълумотлар) рўйхатини белгилаш;
- кузатув кенгашига, тафтиш комиссиясига, ижроия органига ва саноқ комиссиясига сайлаш учун номзодларнинг рўйхатини тасдиқлаш;
- овоз бериш бўллутенининг шакли ва матнини тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик ҳисботларини акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай дастлабки тарзда тасдиқлаш;
- жамиятнинг молиявий йил якунлари бўйича олган соф фойдасини (заарини) тақсимлаш бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсиялар бериш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш бўйича қилинадиган сарф-харажатлар сметасини тасдиқлаш.
- жамият уставига ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил қилиш;
- жамият бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва аъзолари лавозимларига танловларни ташкил этиш, танлов натижаси бўйича ушбу лавозимларга янгича фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали, шу жумладан хорижий менежерларни тайинлаш;
- ижроия органига ( бош директор ва бошқарув аъзоларига) тўланадиган ҳақ ва компенсациялар микдорини белгилаш, шунингдек, кўрсатилган тўловларнинг чегараси микдорини Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 – сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- жамиятнинг “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги Низомини тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш ва тасдиқлаш, бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши томонидан жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг раҳбарини ва ходимларини

лавозимга тайинлаш ҳамда эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш, уларга иш ҳақи ва бошқа тұловларни белгилаш, ички аудит хизмати йиллик харажатлар сметасини тасдиқлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини әшитиб бориш;

- аудиторлык текширувани үтказиш (мажбурий аудиторлык текшируви бундан мустасно), аудиторлык ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тұланадиган әнг күп ҳақ микдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тұғрисида қарор қабул қилиш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлор ҳар қандай ҳужжатлардан әркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зымасига юклатылған вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни жамият ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан факат хизмат мақсадларыда фойдаланиши мүмкін;
- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тұланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг микдори юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд микдори, уни тұлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- жамиятнинг захира ва бошқа фонdlаридан фойдаланиш;
- жамиятнинг ваколатхоналарини очиш ва филиалларини ташкил этиш;
- жамиятнинг шүйба ва тобе хұжалик жамиятларини ташкил этиш;
- қонунчиликда ва ушбу Уставда назарда тутилған ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланған шахслари билан (манфаатдорлык) битимлар тузиш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тијорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларыда белгиланған тартибда тузиш;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг устав капиталини құпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав капиталини құпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинған акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ үзгартиш ва құшимчалар киритиш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшған биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- әмиссиявий қимматли қоғозларни (акция, облигация) чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш, әмиссиявий қимматли қоғозларни (акция, облигация) чиқариш тұғрисидаги қарорни ва әмиссия рисоласини тасдиқлаш, уларга құшимча ва үзгартышлар киритиш;
- ҳомиийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам күрсатиши (олиш) тұғрисида қарорларни факат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланған тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларыда белгиланған доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;
- кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган эксперталар (тегишли соҳа

мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниклаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гурухлари) ташкил этиш;

- жамият номидан жамият бош директори ва бошқарув аъзолари билан уларни ёллаш бўйича бир йиллик меҳнат шартномасини тузиш.

- жамиятнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ички хужжатларини тасдиқлаш, конун ва уставда фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши билан тасдиқланадиган ҳужжатлар бундан мустаснодир;

- жамиятнинг тижорат сирига оид булган маҳфий (конфиденциал) маълумотлар ва ахборотлар рўйхатини белгилаш;

- жамиятнинг йиллик харажатлари сметасини тасдиқлаш ва унга ўзгартиришлар киритиш;

- жамиятнинг асосий воситаларини бегоналаштиришга оид қарорларни қабул қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

#### 2.2. Кузатув кенгаши қўйидагиларга хақли:

- жамиятнинг барча мутасадди шахсларининг ҳисботларини эшитиш;

- тафтиш комиссияси томонидан тафтиш ўтказилишини талаб қилиш;

- ўзининг ваколатига доир бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

2.3. Кузатув кенгаши жамиятга Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий қилишда қўйидагиларни амалга оширади:

- жамиятнинг ижроия органи, ички назорат органи, жамиятда ташкил этилган коллегиал органлар фаолиятини мувофиқлаштиради, зарур бўлганда, жамият ривожланиш режасини ишлаб чиқиши ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этади;

- жамиятнинг амалдаги ташкилий тузилмаси қонун ҳужжатларида белгиланган намунавий ташкилий тузилмага мувофиқлигининг мунтазам баҳоланишини ташкил этади, ҳамда йиллик молиявий ҳисботларни Халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофик тарзда эълон қилишга ўтиш бўйича амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштиради;

- жамият фаолиятида Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий қилишни назорат қиласи.

2.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

### **3. КУЗАТУВ КЕНГАШИГА НОМЗОДЛАРНИ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ**

3.1. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йифилиши кун тартибига жамият кузатув кенгашига бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳакли. Агар уставда ва Қонунда белгиланган муддатда акциядорлар томонидан кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар тушмаса, кузатув кенгаши кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар рўйхатини ўзи белгилаш хуқуқига эга.

3.2. Акциядорлар (акциядор) кузатув кенгашига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йифилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳакли.

3.3. Жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

3.4. Жамиятнинг кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу Низомнинг 3.1. бандида кўрсатилган муддат тугаганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йифилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йифилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар жамиятнинг кузатув кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ушбу Низомнинг 3.1. бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;
- акциядорлар (акциядор) жамиятнинг камида бир фоизлик овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- ушбу Низомнинг 3.2. бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклифлар Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

3.5. Жамият кузатув кенгашининг номзодни жамият кузатув кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан З иш кунидан кечиктирмай юборилади.

3.6. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган микдорнинг 75 фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йифилишини чақириши шарт.

3.7. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тұғрисида қарор кабул қилишга, шунингдек жамият бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилған тақдирда, унинг вазифасини вақтінча бажарувчини тайинлашга ҳақлидір. Бунда кузатув кенгashi таркибиға сайлаш учун номзодларни күрсатыш муддатлари кузатув кенгashi томонидан белгиланади.

3.8. Кузатув кенгашига сайлаш учун рұйхатта киритилған номзод акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз беріш учун шакллантирилған бюллетенга киритилади.

3.9. Жамият кузатув кенгашининг номзодни жамият кузатув кенгашига салып бүйіча овоз беріш учун номзодлар рұйхатига киритишни рад этиш тұғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мүмкін.

#### **4. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ**

4.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари амалдаги Конун, ушбу низом ва жамият уставида назарда тутилған тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

4.2. Кузатув кенгashi аъзолигига жамият акцияларига эга бўлган акциядорлар, қонунчиликда кўзда тутилған тартибда ушбу жамиятнинг акциядори бўлмаган шахслар ҳам сайланиши мүмкін.

4.3. Жамият бош директори ва бошқарув аъзолари, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мүмкін эмас. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгashi аъзоси бўлиши мүмкін эмас.

4.4. Жамиятнинг кузатув кенгashi таркибиға сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мүмкін.

4.5. Жамиятнинг кузатув кенгashi таркибиға сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар: Кузатув кенгashi аъзолари камида 5 йиллик иш тажрибасига, менежмент, иқтисодий, ҳукуқий ёки кўмир кон саноати соҳаларидан биридан олий маълумотга ва корпоратив бошқарувчи сертификатига ёки малака гувохномасига эга бўлишлари лозим.

4.6. Жамиятнинг кузатув кенгashi аъзолари салови кумулятив овоз беріш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз берішда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ берішга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибиға сайланган деб ҳисобланади.

4.7. Кузатув кенгашига сайланиши учун қўйилған номзодлар акциядорлар умумий йиғилиши президиумига ёки йиғилиш раисига ёзма равишда ариза беріш орқали ўзининг номзодини саловдан ечиб олишга ҳақли.

4.8. Жамият кузатув кенгаши аъзолари вазифасини бажаришдан қуидаги ҳолатларда озод этилади:

- ёзма ариза берган тақдирда;
- ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда;
- ўзининг мажбуриятларига риоя қилмаганда;
- белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган тақдирда;
- унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;
- вафот этган тақдирда;
- соғлиғи ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолган тақдирда.

4.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофик кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

## **5. КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИ**

5.1. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

5.2. Жамиятнинг кузатув кенгаши, ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

5.3. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қиласи, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қиласи.

5.4. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

## **6. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1. Кузатув кенгаш аъзоси қуидаги ҳуқуқларга эга:

- кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиши;
- кузатув кенгаши қарорига кўра муайян даврда акциядорлик жамиятининг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида ахборот олиши;
- кузатув кенгашида ишлаганлик учун ҳақ ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олиши.

Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш кузатув кенгаши раиси томонидан кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади.

6.2. Кузатув кенгаши аъзолари амалдаги қонунчилик ва жамият Уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

6.3. Кузатув кенгаши аъзолари акциядорлик жамияти имкониятлари (мулкий ва номулкий ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, акциядорлик жамиятининг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

6.4. Кузатув кенгаши аъзосининг мажбуриятлари қуидагилардир:

- кузатув кенгаши мажлисларида қатнашиш ва кун тартибидаги масалалар бўйича қарор қабул қилишда иштирок этиш;

- қарорларни қабул қилишда жамият манфаатларидан келиб чиқиш;

-жамият фаолиятида юзага келган конфиденциал ахборотни ошкор қилмаслик;

- жамият ходимлари томонидан қонунчиликни бузиш ҳолатлари бўйича ўзига маълум бўлган фактлар хақида кузатув кенгашининг бошқа аъзоларини хабардор қилиш;

- кузатув кенгаши томонидан унга юклатилган вазифа ва топширикларни жиддий ёндошган ҳолда ҳалоллик билан ўз вактида ижросини таъминлаш;

-акциядорларнинг умумий йиғилишларида қатнашиш ва йиғилиш иштирокчилари саволларига жавоб бериш.

6.5. Кузатув кенгаши аъзоси жамият билан битим тузишда аффилланган (манфаатдор) эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали жамиятни хабардор этиши шарт.

6.6. Кузатув кенгаши аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек акциядорлик жамияти манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

6.7. Кузатув кенгаши аъзолари кузатув кенгаши томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

6.8. Кузатув кенгаши мажлислари баённомаларини саклайдиган жамиятнинг мутасадди ходими кузатув кенгаши аъзосининг талабномасига биноан ушбу хужжатлар нусхасини унга зудлик билан такдим этиши шарт.

## 7. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

7.1. Кузатув кенгашининг мажлиси, коидага кўра, йил чорагида камида бир марта ўтказилади. Ушбу мажлисда мажбурий тартибда қуидаги масалалар кўриб чиқилади:

-жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисботи;

-ички аудит хизмати ҳисботи;

-тафтиш комиссиясининг жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек конун хужжатларининг ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги холосаси.

7.2. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ижроия органи аъзосининг, миноритар акциядорлар қўмитасининг, аудиторлик ташкилотининг, шунингдек, жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 фоизига эгалик қилувчи акциядор ёки акциядорлар талабига биноан чақирилади.

7.2.1. Кузатув кенгаши мажлисини чақириш тўғрисидаги талабномада куйидагилар акс эттирилиши лозим:

- мажлисни ўтказиш бўйича ташаббус билан чиқкан шахс тўғрисида маълумот;
- мажлисни ўтказиш жойи, вақти ва куни тўғрисида маълумот;
- мажлис кун тартиби;
- овозга кўйилаётган масалаларнинг тўлиқ матни;

Талабнома кузатув кенгаши мажлисини чақириш бўйича ташаббускор томонидан шахсан имзоланган бўлиши лозим.

7.2.2. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг), ижроия органи аъзосининг, миноритар акциядорлар қўмитасининг, аудиторлик ташкилотининг, шунингдек жамият овоз берувчи акцияларининг камида 1 фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақирилаётган кузатув кенгаши мажлиси кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳакли эмас.

7.2.3. Ташаббускорларнинг талблари жамият маъмуриятига (девонига) ёки бевосита кузатув кенгаши раисига ёзма шаклда топширилади.

7.2.4. Талабномани олгандан сўнг жамият кузатув кенгаши раиси 10 кун ичida кузатув кенгаши мажлисини чақирилишини ва ўтказилишини таъминлаши зарур.

7.3. Кузатув кенгашининг навбатдаги мажлиси кун тартибини кузатув кенгаши раиси шакллантиради.

7.4. Кузатув кенгаши аъзоларини хабардор қилиш мажлис ўтказилишидан камида 1 кун олдин мажлисга оид тегишли маълумотлар илова қилинган ҳолда уларга хабарнома юбориш ёки телефон орқали амалга оширилади.

7.5. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

7.6. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан жамият кузатув кенгаши барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

7.7. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида белгиланган микдорнинг 75 фоизидан кам бўлиб қолса, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий

йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тұғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтінча бажарувларының тайинлашга ҳақлидір.

7.8. Жамият кузатув кенгашининг мажлисіда масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозға эга бўлади. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

7.9. Жамият кузатув кенгашининг мажлисіда қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Агар кузатув кенгаши мажлисіда овозлар teng бўлса, кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овозға эга.

7.10. Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлик ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тұғрисидаги қарорлар жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

7.11. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тұғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг 15 фоизидан 50 фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тұғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгashiдан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

7.12. Йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг якдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тұғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин.

7.13. Жамият ижроия органи томонидан кузатув кенгашига аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиш натижалари баённомаси тақдим этилганда, кузатув кенгаши ушбу ахборотни ўрганиб аффилланган шахснинг ёзма билдириши жамиятга келиб тушган санадан ўн беш кундан кечиктирмай битим бўйича қарор қабул қиласади. Агар жамият кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилланган шахс бўлса, битим бўйича қарор белгиланган тартибда умумий йиғилиш томонидан қабул қилинади. Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

7.14. Жамият кузатув кенгашининг раисини сайлаш ёки кайта сайлаш тұғрисидаги қарор кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

7.15. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида кузатув кенгаши котиби томонидан баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

7.16. Мажлис баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

қабул қилинган қарорлар.

7.17. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

7.18. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказилган куни топширилади.

## **8. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА БОШҚАРУВ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ**

8.1. Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг қарорлари кузатув кенгаши томонидан ижрога қабул қилиниши шартdir. Кузатув кенгаши ўз ваколатлари доирасида акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларини бажарилишини ташкил этади.

8.2. Кузатув кенгашининг жамият ижроия органи билан муносабатлари жамиятнинг устави ва ижроия органи тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланади.

8.3. Жамиятнинг бош директори кузатув кенгашига ҳисбот бераб туради. Кузатув кенгаши жамият бош директорининг оператив кундалик фаолиятига аралашмайди, бироқ унинг ҳисботларини эшлишига ва жамиятнинг тафтиш комиссиясига ёки ички аудит хизматига жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини навбатдан ташқари текширувани амалга ошириш юзасидан топшириқ беришга ҳақли.

8.4. Кузатув кенгашининг қарорлари жамият бош директори ва бошқа мутасадди ходимлар томонидан ижрога қабул қилиниши шартdir.

8.5. Кузатув кенгаши раиси ёки аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият бошқарув аъзолари, тафтиш комиссияси ёки санок комиссияси аъзоси бўла олмайдилар.

## **9. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ТЎЛАНАДИГАН МУКОФОТ ВА УЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРИШ БИЛАН БОҒЛИК ХАРАЖАТЛАРНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАНИШИ**

9.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифасини бажариб турган давр учун ҳақ тўланади ва кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни қопланади.

9.2. Жамият кузатув кенгashi аъзоларига улар ўз вазифасини бажариб турган давр учун ҳақ тўлашга манба сифатида жамиятнинг пул маблағлари ҳисобланади.

9.3. Жамият кузатув кенгashi раисига ўз вазифасини бажариб турган даврнинг ҳар ойида Ўзбекистон Республикасида белгиланган Базавий ҳисоблаш микдорининг 15 баровари микдорида ва кузатув кенгashi аъзоларига ўз вазифаларини бажариб турган даврнинг ҳар ойида базавий ҳисоблаш микдорининг 10 баробари микдорида ҳақ ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлари қопланади (тўланади).

9.4. Жамиятнинг молиявий натижалари ва жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларига кўра, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ кузатув кенгashiga қўшимча мукофот пули тўланиши мумкин. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш йилига камида бир марта ўтказилади.

## **10. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

10.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорлик жамияти олдида конун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофик жавоб берадилар. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки жамиятга зарар етказувчи қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгashi аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.

10.2. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акциярининг камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида кузатув кенгashi аъзосига нисбатан даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

10.3. Мазкур низом талабларига риоя қилиниши бўйича жавобгарлик жамият кузатув кенгashi раиси зиммасига юклатилади.

## **11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

11.1. Жамият кузатув кенгashi аъзоларини зарур материаллар ва ахборотлар билан таъминлашга, шунингдек акциядорлар ва инвесторлар билан алоқалар учун жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими масъул ҳисобланади.

11.2. Ушбу низом акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган пайтдан эътиборан кучга киради. Амалдаги конунчилик ва жамият уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан ушбу низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

11.3. Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги таклифлар акциядорларнинг йиллик ёки навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартибига масалалар киритиш тартиби асосида берилади.

11.4. Ушбу низомга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар белгиланган тартибда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган пайтдан эътиборан кучга киради.

11.5. Кузатув кенгаши фаолияти билан боғлик масалаларни ҳал этиш ушбу низомда кўрсатилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига белгиланган тартибда ҳал этилади.